Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 8 сентябрь, пайшанба
36 (408)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com



Айни пайтда Сирдарёда 12235 нафар битирувчини иш билан таъминлаш бўйича 4377 корхона, ташкилот ва муассаса билан 12219 та уч томонлама шартномалар имзоланган

03 ИСЛОҲОТ



«Асакабанк» Андижон вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли мулкчилик субъектларига 31952,5 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди

06 ИҚТИСОДИЁТ



Мутахассислар сайёрамизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг 6-7 миллион гектари деградацияга учраганини таъкидламоқдалар

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2011 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШИДА МОЛИЯ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ



*Маълумки, мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар муваффақияти, аввало, Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижроси бўйича қатъий депутатлик назоратини ўрнатиш, бу борада ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлик даражасига боғлиқдир. Шу боис ҳам Давлат бюджети ижроси ва уни чуқур таҳлил қилиш O`zLiDeP учун мамлакатни инновацион ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашишда самарали парламент механизми бўлиб хизмат қилади*

2 ►►

## Фармон O`zLiDeP электорати учун кенг имкониятлар беради

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга Ҳаракат дастури ишлаб чиқишга қарор қилинди**

Йиғилишда Президент фармони O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган дастурий вазифалар билан ҳамоҳанг экани, унинг ижросини таъминлашдан, биринчи навбатда, партия электорати вакиллари манфаатдорлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизнинг йигирма йиллик янги тарихида эришилган натижалар, шубҳасиз, истиқлол туфайли ўз эркини қўлга киритган бунёдкор халқимизнинг юксак салоҳияти ва қаҳрамонона меҳнати маҳсулидир. Хусусан, мустақиллик туфайли жамиятда мулк ва мулкдорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Агар 1991 йилда хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 1 фоиз атрофида бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 52 фоизга етди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида кичик бизнес субъектлари томонидан 954,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилингани, белгиланган дастурларга мувофиқ 520 мингтадан зиёд янги иш ўрни яратилгани ҳам, шубҳасиз, ўрта синфнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасидир.

Бу яна бир карра хусусий секторнинг иқтисодиётимизда етакчи мавқени эгаллаётганини кўрсатади. Шу маънода ҳам Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонини (2011 йил 24 август) O`zLiDeP электорати вакиллари ислоҳотларнинг янги босқичидаги энг муҳим ҳужжат, дея атамоқдалар.

— Ушбу фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, хусусан, турли рухсат бериш тартибларини янада қисқартириш лозимлиги белгиланганини алоҳида таъкидлаш лозим, — деди йиғилишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев.

3 ►►

## Депутатлик гуруҳи назоратни кучайтирмоқда

**Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасидаги ишлар юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Мурод Умаровнинг ҳисоботини эшитди**

O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси Мансур Зокировнинг таъкидлашича, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган йиғилишда қишлоқ мулкдорлари фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларга ижро ҳокимияти мутасаддилари томонидан қандай чоралар кўрилаётгани атрофлича муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Умаровнинг ҳисоботида таъкидланганидек, соҳада фаолият юритаётган хўжалик субъектларини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги тизимли чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда ижобий ўзгаришларга эришилмоқда.

Айни пайтда вилоят ялпи маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 21,3 фоизни ташкил қилмоқда. Ишлаб чиқаришдаги ўсиш 2010 йилда 105,7 фоиз қайд этилган бўлса, бу кўрсаткични 2011 йилда 108,1 фоизга етказиш режалаштирилган.

Жорий йилда қишлоқ мулкдорлари томонидан ҳар гектардан 57,1 центнердан жами 374,6 минг тонна ғалла етиштирилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу кунларда эса пахтадан ҳам мўл ҳосил йиғиштириб олиш учун барча имкониятлардан фойдаланилаяпти.

Маълумки, қишлоқ хўжалигидаги натижалар ерларнинг мелиоратив ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, экин майдонларининг 87 фоизи шўрланган, 58 фоиздан ортиқ ернинг бонитет балли паст бўлган ҳудудда бундай тадбирлар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам жорий йилнинг 6 ойида 18,53 км. узунликдаги магистраль зовурлар, 5 дона тик дренаж қудуғи реконструкция қилинди, шунингдек, 60 дона назорат қудуғи қурилиб, 4,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. Вилоятда 2008-2011 йиллар давомида 10,7 млрд. сўмлик 96 та мелиоратив техника, шу жумладан, 50 та экскаватор ва 11 та замонавий бульдозер харид қилинганини мутахассислар бежиз таъкидламаяптилар.

2 ►►

## Янги массивда — янги мактаб

Самарқанд вилоятида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган уй-жой массивларида бу йил олтита мактаб қурилиб, янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилди.

Оқдарё туманидаги Қирқдархон аҳоли пунктида Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида жорий йилда намунавий лойиҳалар бўйича 69 уй-жой билан бирга 140 ўринли мактаб ҳам қад ростлади.

— Ушбу қишлоқда ўтган йили 15 уй-жой қурилиб, бу хонадонларда яшовчи аҳоли фарзандлари бир неча километр узоқликдаги мактабларга бориб ўқишига тўғри келарди, — дейди 25-умумтаълим мактаби директори Тоҳир Қосимов.

Янги мактаб фан кабинетлари, ёрдамчи бинолар, замон талабларига тўла жавоб берадиган футбол, волейбол ва баскетбол майдонларини ўз ичига олган. Ушбу массивда замонавий уй-жойлар қурилиши давом эттирилиб, мактабда яна икки юз ўринли ўқув биноси ва спорт зали бунёд этилади.

**(ЎзА)**

## *Истиқлол умримга умр қўшди*

**— дейди Қамаши туманидаги Қўштамғали қишлоғида яшовчи 115 ёшли Ўта момо Муқимова**

— Юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилганида 95 ёшда эдим. Ўшанда шундай кунга етказгани учун Яратганга шукроналар айтгандим. Осмонимиз мусаффо, халқимиз ҳаёти осойишта бўлсин, дея қайта-қайта дуо қилганим сира ёдимдан чиқмайди. Тинчлик, хотиржамликка нима етсин, болам. Ҳар замонда ўғилларим бозорга олиб боришади. Расталарнинг тўкинлигини кўриб, қувонаман. Бир бурда нонга зор бўлган болалик, ёшлик йилларимни ёдга оламан...



Онахон табаррук ёшда эканига қарамай, анча тетик. 6 нафар фарзанди, 86 невара, 122 чевара, 74 эвара, 16 дувара қуршовида дориломон умр кечирмоқда.

— Аллоҳга минг қатра шукрки, бу йил 115 ёшга кирдим, — дейди Ўта момо Муқимова. — Турмуш ўртоғим Дўстмурод Эшниёзов туябоқар эди. У киши вафот этганида 6 фарзанд билан қолганман. Уларни вояга етказиш осон бўлмади. Бир гектар ғаллани 3 кунда ўроқ билан ўриб тугатган кунларим бўлган. Айниқса, эркаклар урушга кетган йилларда далада тунаб қолиб, ишлардик. Э-э, нимасини айтасан, болам. Вақти келиб, пиру бадавлат, невара-чеваралар оғушида ҳаёт кечиришни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Чунки турмуш ташвишларидан ҳоли вақтим бўлмаган...

Момо хайрлашув чоғи қўл очиб, дуо қилдилар.

— Истиқлолимиз абадий, халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон, доно Юртбошимиз ҳамиша омон бўлсинлар! Шундай бахтли кунларга етказгани учун Аллоҳга минг бора шукр. Истиқлолнинг 20 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!


БУГУНГИ СОНДА:

### БУНЁДКОРЛИК

"Шўртангазкимё" мажмуасининг ишга туширилиши ҳам истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган энг истиқболли лойиҳалардан бири бўлди. Германия, Италия, Россия ва Япониянинг етакчи компаниялари иштирокида бунёд этилган ушбу корхона айни пайтда йилига 3,5 млрд. куб метр табиий газни қайта ишлаш, 125 минг тонна полиэтилен гранулалари, 100 минг тонна суюлтирилган газ, 100 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга.



Алишер СУЛТОНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Шўртангазкимё» мажмуаси раҳбари

03 ►


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲1843,49 | 1 АҚШ доллари | ▲1739,47 | 1 Хитой юани | ▲ 272,38 | 1 Туркия лираси | ▲ 993,47 | 1 Япония иенаси | ▲ 226,64 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼2814,98 | 1 Миср фунти | ▲ 292,10 | 1 Малайзия ринггити | ▲ 585,48 | 1 Швейцария франки | ▼2205,77 | 1 Россия рубли | ▲ 59,86 |
| 1 Дания кронаси | ▼ 330,94 | 1 Исландия кронаси | ▲ 15,16 | 1 Польша злотийси | ▼ 589,01 | 1 ЕВРО | ▲2520,71 | 1 Украина гривнаси | ▲ 218,21 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 473,63 | 1 Канада доллари | ▼1763,45 | 1 СДР | ▼2784,11 | 1 Жанубий Корея вони | ▲ 16,29 | | |

# Фракция бюджет ижросини муҳокама қилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Ўз мухбиримиз



O`zLiDeP фракциясининг Давлат бюджетининг 2011 йил биринчи ярмидаги ижросига бағишланган йиғилишида айнан ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан молия вазири ўринбосари М.Мирзаевнинг ахбороти эшитилди.

Маърузачи таъкидлаганидек, Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг 21 январь куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари доирасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2011 йилнинг биринчи ярмида ҳам барқарор ва изчил ўсишга эришилди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми 8 фоизга ўсиб, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади. Бу кўрсаткич саноат ишлаб чиқаришининг 6,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 6,7 фоиз, чакана савдо айланмасининг 14,6 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг 12,6 фоиз кўпайиши ҳисобига таъминлангани йиғилишда алоҳида таъкидланди. Айниқса, кимё ва нефтьгаз, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати юқори суръатлар билан ривожланди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида Давлат бюджети даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни, харажатлари эса 24,1 фоизни ташкил этди ва 0,4 фоиз профицит билан ижро этилди. Харажатлар қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилгани, яъни бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалари ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, бюджет маблағлари ғазна ижросининг самарадорлигини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

Иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳияти, қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар туфайли товарлар ва хизматлар экспорти 18,7 фоизга ўсиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди.

Қизғин баҳс-мунозаралар ва савол-жавоб тарзида ўтган тадбир иштирокчиларининг фикрича, тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 7 фоиздан 6 фоизга туширилган бўлса-да, солиқнинг ушбу тури бўйича бюджет тушумлари камаймади. Ҳисобот даврида бу борадаги тушумлар 218,1 млрд. сўмни, яъни белгиланган прогнозга нисбатан 101,1 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига қараганда 26,4 фоизга ўсганлиги эса кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ошганлиги билан боғликдир. Яна бир муҳим жиҳати – солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳисобига 36,4 миллиард сўм маблағ кичик бизнес субъектларининг ихтиёрида қолдирилди.

Муҳокамалар давомида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масалалари энг муҳим устувор йўналиш сифатида сақланиб қолаётгани алоҳида эътироф этилди. Жумладан, 2011 йилнинг ўзида саноат соҳасида модернизация ва технологик янгиланиш дастурларини амалга ошириш учун иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг 36,4 фоизини йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Фракция аъзоларидан А.Жабборов ва О.Шарипов O`zLiDeP дастуридан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган модернизация жараёнларини янада жадаллаштириш, тармоқда техник ва технологик янгилаш ишларини кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Йиғилишда, шунингдек, ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганига депутатлар алоҳида эътибор қаратдилар.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Н.Алимовнинг фикрича, бундай ҳолат жойларда «Бухгалтерия тўғрисида», «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонунлар талабларининг тўлиқ бажарилмаслиги оқибатида рўй бермоқда. Яна бир жиҳат эътиборимизни тортиши табиий. Бюджет интизомидаги камчиликлар хусусида сўз юритилганда, ҳар сафар соғлиқни сақлаш ва таълим тизими муассасаларининг тилга олинаётгани афсусланарли ҳолатдир.

Молия вазирлиги Ғазначилиги бошлиғи – вазир ўринбосари Б.Ашрафхоновнинг айтишича, бу борадаги асосий муаммо мазкур вазирлик ва идораларнинг тендерларни ўз вақтида ўтказмаслигига бориб тақалади. Бу тадбирлар белгиланган муддатларда сифатли ўтказилиб, тегишли шартномалар рўйхатга олиш учун ўз вақтида ғазначиликка топширилса, Давлат бюджетининг харажатлар қисми ҳам юз фоиз бажарилади.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ф.Зоировнинг Бюджет интизоми билан боғлиқ саволига жавоб қайтарган Б.Ашрафхонов йўл қўйилаётган хато-камчиликларнинг аксарияти малакасизлик туфайли шартномаларни нотўғри расмийлаштириш оқибатида келиб чиқаётганини таъкидлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида ташкил этилган Молия вазирлиги ҳузурида молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлимлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида бундай ходимлар ўз малакаларини оширмоқдалар. Мисол учун, биргина 2011 йилнинг ўтган даврида 4649 нафар ходим ўқитилган бўлса, шундан 2318 нафарини ғазначилик тизими, 2331 нафарини бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлимлари мутахассислари ташкил этади.

Мажлис якунида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Юртимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилаётир

# Тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш йўлида

**Н.АБДУРАИМОВА,**
ЎзА мухбири

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 февралда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"-ги қарорида мамлакатимизда янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

**— ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАНИ СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР, — ДЕЙДИ ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КООРДИНАТОРИ А.НАСИБОВ**

Пойтахтимизда "Тартибга солишнинг таъсирини таҳлил қилиш механизмлари: Ўзбекистонда қонунчиликни таҳлил ва мониторинг қилиш услубларини жорий этиш" мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон Бизнес форуми (II босқич)" лойиҳаси кўмагида ташкил қилинган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланиб бораётгани жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига, янги иш ўринлари ташкил қилишга, аҳолининг барқарор даромад манбаларини яратишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудий дастурларга мувофиқ 520,2 минг янги иш ўрни яратилгани ва бунинг 331,2 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келгани бунинг яққол далилидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит, тадбиркорлик муҳитини яратишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳамда ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг текширувларни кескин камайтириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан назоратни ташкил этиш тизимини соддалаштириш, давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлар ажратишини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатига олиш тартибини янада соддалаштириш, ер участкаларига янги ташкил этилаётган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари учун айрим давлат божлари ставкаларини камайтиришга доир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Қулай бизнес муҳитини яратиш, хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш, унга ишончли кафолатларни таъминлаш, рухсат этувчи ва чекловчи айрим нормаларни қисқартиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида бир неча қонун лойиҳалари тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилди.

— Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланаётгани соҳа ривожида муҳим омил бўлаётир, — дейди Халқаро молия корпорациясининг Ўзбекистондаги координатори А.Насибов. — Тадбиркорликка оид қонунлар ижросини таъминлаш, бу жараённи мониторинг қилиб бориш тизими шаклланган. Соҳага оид қатор янги қонунларда кичик бизнес субъектларига кўплаб имтиёз ва енгилликлар назарда тутилгани тадбиркорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилаётир.

Давра суҳбатида тадбиркорликка доир қонун ижодкорлиги жараёнининг бугунги ҳолати ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш амалиёти, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, қонунчилик ҳужжатларини баҳолаш ва мониторинг қилишга оид халқаро тажриба юзасидан фикр алмашилди.

# Депутатлик гуруҳи назоратни кучайтирмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI ASR»




Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш натижасида 114 минг гектардан ортиқ майдондаги ер ости сувлари сатҳи пасайиб, суғориладиган майдонлар унумдорлигини сақлашга эришилди. Агар 2007 йилда жами кучли шўрланган майдон 15,1 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 4,9 минг гектарга камайди. Ўрта шўрланган майдонлар эса тегишли равишда 79,1 дан 69,2 минг гектарга тушди.

Бунда замонавий ирригацион тизимларни барпо этиш, техник ва технологик модернизациялашга йўналтирилаётган маблағлардан оқилона фойдаланиш ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 25 октябрдаги қарорига асосан «Асосий Олот» насос станциясини қуриш ва «Ёрдамчи Олот» сув иншоотини жаҳон андозалари даражасида қайта тиклаш белгиланганлари муносабати билан ўтказилган тендер натижаларига кўра, «АмуБухороканалқурилиш» акциядорлик жамияти билан шартнома имзоланди.

Шунингдек, Хитойнинг «China IPPR» корпорацияси билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўртасида тузилган шартномага асосан «Қоракўл» насос станциясининг асбоб-ускуналари 2011-2012 йилларда тўлиқ янгиланадиган бўлди. Мутахассислар мазкур станцияда амалга ошириладиган реконструкция лойиҳасининг умумий қиймати 13978,6 минг АҚШ долларини ташкил этишини таъкидламоқдалар.

Ҳисоботда, шунингдек, вилоятнинг 1,6 миллион нафар аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳам реал натижа бераётгани таъкидланди.

Айни пайтда гўшт ишлаб чиқариш 73062 тоннага етказилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизга, сут ишлаб чиқариш 265519 тоннага етказилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,1 фоизга, балиқ овлаш 137,1 тоннага етказилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 148,2 фоизга, тухум ишлаб чиқариш эса 105954 минг донага етказилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,7 фоиз ўсишга эришилган.

Ҳисоботда, шунингдек, наслчилик ишларини янада яхшилаш мақсадида 2007-2009 йилларда Украинадан 1742 бош наслли қорамол олиб келингани, улардан 2000 бош наслли бузоқ олинганига эътибор қаратилди.

М.Умаровнинг фикрича, Бухорода қоракўл экспорти бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга сазовордир. Бугун "Қоракўл" бирлашмаси тизимида 9 та ширкат хўжалиги бўлиб, 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига улар томонидан 385,4 тонна гўшт, 126,3 тонна жун ва 64 минг 425 дона қоракўл тери ишлаб чиқарилган.

Йиғилишда кун тартибидаги масалани жойларда ўрганиб чиққан ишчи гуруҳи раҳбари Камол Давронов ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида замонавий ирригацион тизимларни барпо этиш борасида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насим Алимов эса йиғилиш иштирокчилари эътиборини яна бир бор модернизация жараёнларига қаратиб, вилоятда қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш борасидаги ишлар ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ажратилаётган давлат бюджети маблағларидан нечоғли самарали фойдаланилаётгани билан қизиқди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ҳамроқул Раҳмонов эса O`zLiDeP электорати бўлган айрим фермерларнинг контрактация шартномасида кўрсатилган маблағларни олиш муддатлари кечикаётганига мутасадди идоралар эътиборини қаратди.

Музокараларда Вобкент туманидаги «Кумушкент техникаси» МЧЖ раиси Баҳодир Ғаффоров, Пешку туманидаги "Малишояк" фермер хўжалиги раҳбари Санам Жумаева, O'zLiDeP Қоракўл туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Юсуф Рўзиев сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни яхшилашга халақит бераётган айрим муаммоларга ўз муносабатларини билдирдилар.

Масалан, нав танлаш, ер картограммасини ўрганишда фермерлар айрим муаммоларга дуч келиб, ортиқча маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Ўғит тарқатишда кимё заводларидан тўғридан-тўғри фермерларга ўғит ажратишга ўтилса, шубҳасиз, ортиқча харажатлар тежалган бўларди. Депутатлар айрим туманлардаги ирригация тизимларининг бошланғич қисмига ўрнатилган қурилмалар талабга жавоб бермаётганини ҳам таъкидладилар. Чунончи, Олот туманидаги Бахт, ВТК-7, Ғарибек, Қуйи тайқир каналларида Аму-Қоракўл тизими йўналишини тўлиқ янгилаш билан сув таъминотини навбатли бошқаришга эришиш мақсадга мувофиқдир. Сув кўтариш зарурати бор ерларга эса қўшимча мини-насослар ўрнатиш талаб этилмоқда.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилган масалаларнинг долзарблиги инобатга олиниб, уларни Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

## Янги савдо мажмуаси иш бошлади

Юртимизда истиқлол байрами шукуҳи кезаётган шу кунларда Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида янги савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда янги бозорлар ва савдо мажмуалари қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва фаолиятини янада яхшилаш, уларда сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, жорий Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайгани алоҳида таъкидланди.

Фарғона вилоятида ҳам мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари, Риштон, Қува каби бир қатор туманларда янги бозор ва савдо мажмуалари бунёд этилди. Айни пайтда аҳоли ва тадбиркорларга қулайлик яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

"Файз Бинокор Олтиариқ" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган Қувасой шаҳридаги икки қаватли янги савдо мажмуаси 22 савдо дўконидан иборат. Улар юртимизда ишлаб чиқарилган, сифатли ва арзон озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилмоқда.

**(ЎзА)**

# Бунёдкорлик

**Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Президентимиз Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, сиёсат ва жамоат арбоблари томонидан йўлланган қутловлар билан танишган ҳар бир ватандошимиз бугун қанчалар фахр ва ифтихор туйғуларини ҳис этганини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Бу, ўз навбатида, инсон қадри улуғланаётган Ўзбекистонга бўлган чексиз ҳурмат ва эътироф рамзи ҳамдир. Бундай эътирофларга эришиш учун эса Ўзбекистон ниҳоятда масъулиятли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Тўғри танланган йўл, одамларни эртанги кунга ишонтириш, Ўзбекистон келажаги буюк эканига инониш туфайлигина мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди. Йирик саноат мажмуалари қурилиб, минг-минглаб юртдошларимиз доимий иш ўрнига эга бўлдилар. Қашқадарё ва унинг барча туман ҳамда шаҳарларида рўй берган улкан ўзгаришларни шу маънода истиқлол мўъжизаси, дегим келади.

“Шўртангазкимё” мажмуасининг ишга туширилиши ҳам истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган энг истиқболли лойиҳалардан бири бўлди. Германия, Италия, Россия ва Япониянинг етакчи компаниялари иштирокида бунёд этилган ушбу корхона айни пайтда йилига 3,5 млрд. куб метр табиий газни қайта ишлаш, 125 минг тонна полиэтилен гранулалари, 100 минг тонна суюлтирилган газ, 100 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга. Мажмуамиз 2004 йили Женевада ўтказилган IV Халқаро форумда иштирок этиб, “Ишлаб чиқаришда юқори сифатга эришганлиги учун” номинацияси бўйича олтин медаль билан тақдирланганлиги ҳам бежиз эмас.

Корхонада меҳнат қилаётган 3597 нафар ишчи-хизматчининг 400 нафардан зиёди инженер-техник ходимлардир. Ўтган давр мобайнида 300 дан ортиқ мутахассис АҚШ, Канада, Япония, Жанубий Корея, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия ва Чехиядаги турдош корхоналарда амалиёт ўтадилар. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1655 ходим қайта тайёрланди, 1551 мутахассис ўз малакасини оширди.

Эришилаётган ютуқларда уларнинг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Ўз атрофига минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Мажмуада фаолият кўрсатаётган “Ёш мутахассислар уюшмаси” ҳам бевосита бошланғич ташкилот ташаббуси билан барпо этилган. “Мажмуа тараққиёт хизмати” эса ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ходимлар малакасини ошириш билан боғлиқ илмий изланишларни мужассамлаштириб, уларни амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Таъкидлаш керак: агар 2006 йилда мажмуада 256,6 тонна полиэтилен қайта ишланиб, 134,2 км. полиэтилен қувури тайёрланган бўлса, эндиликда бу рақам 1769,7 км.дан зиёдроқни ташкил этмоқда. Модернизациялаш самараси ўлароқ, йилига 440 тонна полиэтилен грануласини қайта ишлаш имкониятига эга бўлдик.

Хитойнинг “Baihaihuamin” компаниясидан диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган экструзион линия сотиб олиниб, шу ҳисобдан йилига 5600 тонна полиэтилен грануласи қайта ишланаяпти. Мавжуд лаборатория Канаданинг “Qualitest” ва Германиянинг “IRT” компаниялари ускуналари билан таъминланган. Маҳсулот намуналари бу ерда жиддий назоратдан ўтказилади. Цехда турли хил ёғоч-полимер буюмлар ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган бўлиб, бу лойиҳа 2012 йилда амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тасдиқланган манзилли дастурга асосан мажмуада 68 млрд. 187 млн. сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш режалаштирилганини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган олти ойда ишлаб чиқариш объектлари учун 5 млрд. 520 млн. сўм, ноишлаб чиқариш иншоотлари учун 25 млрд. 993 млн. сўм сармоя сарфланди. Хитойнинг “Ying Yang Industrial Co Ltd” компанияси билан тузилган шартномага асосан 92362 АҚШ доллари миқдоридаги янги қурилмани монтаж қилиш ишлари бошлаб юборилган. Бу ерда асосан карамель маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Кўринадики, Қашқадарё сарҳадларида қад ростлаган мўъжизавий корхона жамоаси ҳам энг улуғ ва энг азиз байрамимизни барча соҳада муносиб меҳнат зафарларига эришган ҳолда кутиб олганидан далолатдир.

# Фармон O`zLiDeP электорати учун кенг имкониятлар беради






Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

**ФАРМОН АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КАФОЛАТЛАШ ФОНДИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ БОРАСИДА ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯРАТИЛГАНИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН КРЕДИТЛАРНИНГ ГАРОВ БИЛАН ҚОПЛАНМАГАН ҚИСМИ БЎЙИЧА ТАЪМИНОТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ**

— Фармонда солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш талаби қўйилаётгани эса бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришни англатади, албатта. Бу эса O`zLiDeP ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Айниқса, фармоннинг 2-бандидаги тадбиркорнинг бошқа идоралар билан муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқининг устуворлиги принципига амал қилиниши тўғрисидаги талаб хусусий секторни қўллаб-қувватлаш механизмлари янада такомиллаштирилаётганидан далолатдир. Бошқача айтганда, фармонда барча зиддият ва ноаниқликлар юзага келган пайтда масаланинг тадбиркор фойдасига ҳал этилиши белгилаб қўйилмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов эса тадбиркорлик соҳасига оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари устида иш олиб бориш, жойларда уларнинг сўзсиз ижро этилиши юзасидан таҳлилий маълумотлар юритувчи ишчи гуруҳи тузиш таклифини билдирди.

Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг ҳудудий тузилмалари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳларига фармоннинг жойларда сўзсиз ижроси ва ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашда фаол қатнашиш лозимлигини таъкидладилар.

Фармон ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштирувчи Мониторинг гуруҳи ташкил этиш ва унинг зиммасига жамоатчилик назорати институтидан кенг фойдаланган ҳолда янги қонун лойиҳалари ёки амалдаги қонун ҳужжатларига киритиладиган O`zLiDePнинг амалий таклиф ва тавсияларини шакллантириш вазифасини юклатиш лозимлиги белгилаб олинди.

— Фармон талабларига кўра, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилишдан тушган валютанинг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилиши белгиланмоқда, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаммаджон Турсунов. — Бунда асосий эътибор маҳсулот экспорт қилаётган тадбиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш ва кенгроқ имконият яратишга қаратилмоқда. Айнан ана шу банд тадбиркорлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, фармонда тадбиркорлик субъектларининг давлат, солиқ ҳамда назорат идоралари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида очиқ-ошкораликни таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш билан боғлиқ ҳолатларга бирламчи масалалар сифатида қаралмоқда.

Фармонда алоҳида таъкидланганидек, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасига ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтириладиган бўлди. Бундай имтиёз, шубҳасиз, мазкур соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлар сонининг ортишига, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётганларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Маълумки, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ислоҳотларнинг дастлабки davridaёқ энг устувор вазифа сифатида белгиланган эди. Эндиликда бу марра тўла забт этилганини жорий йилда 2010 йилнинг айни даврига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 20,4 фоизга ошгани ҳам кўрсатиб турибди. Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган ва биржа савдолари орқали экспорт қилинган маҳсулот ҳажми эса 1,5 фоизга ошди. Мутахассислар хусусий секторда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари 999,4 млрд. сўмни ташкил этганини алоҳида таъкидламоқдалар. Шу билан бирга айрим ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган, улар фаолиятининг эркинлигини чеклаётган айрим муаммолар борлигидан ҳам кўз юммаслигимиз лозим. Хусусан, баъзи ҳолатларда назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашишлари ҳамон учраб туради.

—Президентимиз фармонида ана шундай ҳолатларга батамом чек қўйиш талабининг қатъий қўйилаётгани, энг аввало, соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилиши лозимлигини англатди, — дейди фракция аъзоси Шароф Амонов. — Жумладан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти билан боғлиқ турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йил охиригача солиқ ҳамда молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш, 2011 йил 1 сентябрдан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун кичик бизнес субъектларидан тўлов ундиришни бекор қилиш кўзда тутилмоқда. Шу ўринда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Агар тадбиркор айни пайтда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар муддатига амал қилмаган ҳар бир кун учун тадбиркор 1 кунда 0,05 фоиз миқдорида жарима тўлаётган бўлса, жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб бу 0,03 фоизга камайтирилди. Бу тадбиркорлик субъектларига 1 йилда тахминан 158 млрд. сўм миқдоридаги маблағни тежаш имконини бераяпти. Эркин меҳнат фаолиятини либераллаштиришга қаратилган бундай ғамхўрликлар, шубҳасиз, ўрта қатлам вакиллари, яъни O`zLiDeP электоратининг кучига куч қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантиради, албатта.

Депутатларимиз таъкидлаганларидек, фармонда белгиланган савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар ва хизматлар учун корпоратив пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чекларини бухгалтерлик бирламчи ҳужжатларига тенглаштириш каби имтиёзлар ҳам иқтисодиётимизнинг таянч бўғинига айланган тадбиркорлар фаолиятига энг устувор масала сифатида қаралаётганидан далолатдир.

Энг асосийси эса ана шу фармон асосида Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондининг ташкил этилиши борасида ҳуқуқий асос яратилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан янги технологик ускуналар харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисми бўйича таъминотни тақдим этиш имконини беради. Қатор ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган ва яхши самара бераётган бундай жамғарма Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитининг тубдан яхшиланишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини янада ошириш ва албатта, экспорт имкониятларини кенгайтиради.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз фармони ўз моҳият-эътибори билан хусусий сектор фаолиятини бутунлай янги босқич талаблари асосида ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилгандир.

# «Ёшлар қаноти» ёшларга қанот бўлмоқда

**Сирдарё вилоятида O`zLiDeP аъзолари сони 8233 нафар бўлиб, уларнинг 2,5 минг нафарини 18-35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг тобора фаол иштироки уларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этаётганларидан далолатдир.

O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ҳам ташаббускор, билимли ва серғайрат ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари билан танишгач, «Ёшлар қаноти» сафига қўшилиш истагини билдираётган ёшлар янада кўпаяётганининг боиси ҳам ана шунда.

Ўз навбатида, Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу билан бирга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг сиёсий фаолликларини оширишда депутатлик гуруҳи аъзоларининг ёшлар билан бақамти ишлашлари яхши самара бермоқда.

Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни турли иллатлардан ҳимоя қилиш мақсадида мунтазам очиқ мулоқотлар ўтказиш ҳам изчил йўлга қўйилган.

Шу ўринда бўлим ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз тараққиётининг мустаҳкам таянчи», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Кичик бизнес — бандлик гаровидир», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон ўқувчи» лойиҳалари доим қизғин баҳс-мунозаралар тарзида ўтказилаётгани эътиборга молик.

Хусусан, «Диплом билан — бизнесга» туркум ўқув-семинарларида ёшлар тақдим этган лойиҳалар кўпчилик мутахассислар эътиборини қозонди. Ҳакамлар ҳайъати Гулистон давлат университети талабалари — Сардор Пўлатовнинг аҳолига сифатли компьютер таъмирлаш хизмати ва нон маҳсулотларини арзон нархларда ишлаб чиқариш цехини очиш мақсадида тузган «Universal», Манзура Абдуллаеванинг эса сифатли ва эртапишар полиз экинларини етиштириш бўйича тузган «Барака», Умид Пирматовнинг коммунал хизмат кўрсатиш бўйича «Бунёдкор» номли бизнес-режаларини ғолиб деб топишди.

— Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва малакали компьютер таъмирлаш хизматлари кўрсатиш Гулистон шаҳрида доим долзарб масала бўлиб келган, — дейди Сардор Пўлатов. — Таклиф қилаётган лойиҳам учун 50-60 млн. сўм кредит олиб, ишимни бошласам бўлади. Танловда бошқа тенгдошларим ҳам бир-биридан қизиқарли лойиҳалар тақдим этганига гувоҳ бўлдим. Бу, шубҳасиз, биз, ёшлар учун яратилган имконият ва шароитлар натижасидир.

Бундан ташқари, Ёшлар билан ишлаш бўлими қошида ташкил этилган «Хорижий тиллар сектори» ҳамда «Ёш сиёсатчилар» тўгарагида 100 дан ортиқ талаба ва ўқувчилар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошираётганларини ҳам таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда бўлим 48 та касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан ҳам кенг қамровли ишлар олиб бормоқда. Соҳа мутасаддиларининг фикрича, айни пайтда вилоятда 12235 нафар битирувчини иш билан таъминлаш бўйича 4377 корхона, ташкилот ва муассаса билан 12219 та уч томонлама шартномалар имзоланган. Ҳудуддаги тижорат банклари томонидан эса 183 нафар коллеж битирувчисига жами 1 млрд. 50 млн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган.

Ҳа, мақсадлар улуғ, режалар улкан. Бугун мамлакатимиз ёшлари қатори сирдарёлик фаол ва ташаббускор ёшларни ҳам уясидан учирма бўлаётган полапонларга қиёслаш мумкин. Бу жараёнда эса Ёшлар билан ишлаш бўлими уларга том маънода қанот бўлмоқда.

# Хизмат кўлами ҳам, сифати ҳам ошмоқда

**Давлат акциядорлик-тижорат «Асакабанк»нинг Андижон вилоят филиали жамоаси ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб, мижозларга хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун бор имкониятлардан фойдаланмоқда**

Шаҳзод НАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли мулкчилик субъектларига 31952,5 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунинг 12337,6 млн. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, сервис соҳасига 2291,4 млн. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 139,7 млн. сўм, бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида 53,8 млн. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун 108,8 млн. сўм, ёш оилаларга 2137,7 млн. сўм, шунингдек, тадбиркорликнинг бошқа тармоқларига 7606,2 млн. сўм миқдорида сармоя йўналтирилган. Натижада ҳудудларда 430 та янги иш ўрни яратилди. Бу ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 52 тага кўпдир.

Ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида банкларнинг мижозлар билан алоқасини яхшилаш алоҳида аҳамият касб этади. «Асакабанк»нинг Андижон вилоят филиали ушбу жараённинг фаол иштирокчисига айланган, десак, асло хато қилмаймиз. Банк мижози — «Андижон Ўзбегим» агрофирмасига мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологиялар харид қилиш ҳамда корхонанинг айланма маблағларини тўлдириш учун 5 млрд. сўм кредит ажратилган эди. Ушбу лойиҳанинг молиялаштирилиши натижасида 48 киши иш билан таъминланди.

Дарҳақиқат, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш учун барча ички имкониятлар сафарбар этилмоқда. Филиал томонидан берилган кредитлар ҳисобига товар ишлаб чиқарувчилар, фермер ва ишбилармонлар салмоқли ютуқларга эришаяптилар. Масалан, Андижон шаҳридаги «Андижон темир йўл нон» масъулияти чекланган жамиятига 16 млн. сўм сармоя ажратилган эди. Натижада жамият йилига 520 минг дона нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Ҳозирда шаҳар аҳолиси, корхона ва ташкилотларга сифатли, арзон нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Саноат Реял Имкон» корхонаси банкнинг 27 млн. сўм миқдоридаги кредити ҳисобидан замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлди. Эътиборлиси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бежирим ва чидамлилиги туфайли харидорларга манзур бўлаяпти.

Маълумки, айни пайтда тўловнинг қулай ва самарали усули саналган пластик карточкаларнинг афзаллиги кенг жамоатчилик томонидан тўла эътироф этилаётир.

Йилнинг ўтган даври мобайнида пластик карточкалардан фойдаланувчилар кўпайиб, жами 69104 нафарга етган. Ҳозиргача ташкилот ва корхоналар учун ойлик иш ҳақи лойиҳалари доирасида 528 мингта карточка чиқарилган. Нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар турини кўпайтириб, сифатини такомиллаштириб боргани эвазига ўтган йили филиал Республика банклар уюшмаси томонидан «Иш ҳақи» лойиҳаси бўйича биринчи даражали диплом ва «Матиз» русумли автомобиль билан тақдирланган эди. Бу эса жамоа аъзоларини янги марралар сари руҳлантирмоқда.

«Асакабанк»нинг вилоят филиали, шунингдек, мижозларга ишончли, тезкор ва осон пул ўтказмаларини ҳам таклиф этаяптики, улар бундан беҳад мамнун. Хусусан, «Western Union», «Мигом», «Быстрая почта», «Азия Экспресс», «Золотая Корона» тизимлари хизмати қулай ва камчиқимлиги билан ажралиб туради.

Аҳил жамоанинг режалари катта. Мижоз банк учун эмас, балки банк мижоз учун шиори остида хизмат сифатини ошириш, кўламини янада кенгайтириш чоралари кўрилаётир. Бу эса яқин келажакда ўз самараларини бериши шубҳасиз.







# «Дил ойнаси»га қараб ҳавас қилмоқдалар

**Пайариқ туманидаги «Дил ойнаси» фермер хўжалиги ўз фаолиятини 2009 йилда бошлаган бўлса-да, қисқа вақт орасида илғор хўжаликлар қаторидан ўрин эгаллай олди. Бунинг сири нимада, дейсизми? Ҳеч қандай «сир» йўқ. Ҳамма гап изланиш ва ташаббускорликда**

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»



Хўжаликда чет эл технологияси асосида бир йўла 24 сигирни соғиб олиш имконияти яратилган. Мавжуд 101 бош говмишдан кунига 2,5-3 тоннагача сут соғиб олиниб, тўлалигича қайта ишланмоқда. Замонавий ускуналар ортиқча меҳнатга ҳожат қолдирмаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 12 тага етди. Голланд пишлоғи, сузма, творог, сметана, қаймоқ сингари маҳсулотлар «Дил ойнаси» ёрлиғи остида Самарқанд шаҳридаги 30 дан ортиқ савдо дўконларига пешма-пеш етказиб берилаяпти.

— Ишни даставвал эски бинолар ўрнида янгиларини қуришдан бошладик, — дейди хўжалик раҳбари Шуҳрат Фозилов. — Етарли шарт-шароит яратилгач, Голландиядан 75 бош наслли қорамол харид қилинди. Уларни парваришлаш учун тажрибали мутахассислар таклиф этдик. Ҳозирда новвос ва бузоқлардан ташқари соғин сигирлар сони юз бошдан ошди. Чорвачиликда етарли озуқа базасига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга, албатта. Маълумки, ҳар бош сигир учун кунига 60 кг. ем-хашак керак. Буни ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Мавжуд 72 гектар майдонда асосан макка, беда каби озуқа экинлари етиштирилади. 5 та замонавий техникамиз бор. Улар ҳар бир ишда бизга қўл-қанот бўлмоқда. Ходимларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган. Ошхона, ювиниш ва дам олиш хоналари, ётоқхона улар хизматида.

Фермер хўжалигида ердан унумли фойдаланиш қатъий мезонга айлангани учун ҳам кеч кузда арпа, сўнг икки бор маккажўхори дони сепилиб, мўл ҳосил олишга эришилмоқда. Молларнинг озуқа таркибини доимий равишда текширишда замонавий лаборатория жуда қўл келаётир.

Жамоада 30 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ветеринар врач Азамат Облоқулов, молбоқар Амир Давронов, цех бошлиғи Умрзоқ Шукуров ана шулар жумласидан. Хориждан келтирилган наслли қорамоллар сут ва гўшт етиштиришни янада кўпайтириш имконини бермоқда. Маълум бўлишича, яқинда 1,5 ёшли новвос 540 килограмм тош босган. Бошқа зотлардан шу миқдорда маҳсулот олиш учун уларни камида уч йил парваришлаш талаб этилади.

Фермер Ш.Фозилов келгусида хориждан сутни қайта ишлаш ҳамда музқаймоқ тайёрлашга мўлжалланган янги ускуналарни харид қилиш, маҳсулот турларини икки-уч ҳиссага кўпайтириш ниятида. Ўшанда «Дил ойнаси» иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамланиб, ўз фаолият доирасини бундан-да кенгайтиришига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

## Битирувчилар учун меҳнат ярмаркаси

Акрамжон САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

**Наманган вилояти Поп туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Аҳоли бандлигини таъминлашга доир махсус дастурлар асосида яратилаётган янги иш ўринларидан ёшларни хабардор қилиш, меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг ўз малака ва мутахассисликларига мос ишга жойлашишига кўмаклашиш, аҳолининг меҳнат қонунчилигига доир билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда мунтазам ташкил этиб келинаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ярмаркада иштирок этган ёш мутахассисларга туманда фаолият кўрсатаётган ташкилот, корхона, муассасалар ҳамда кичик бизнес субъектлари томонидан 350 дан ортиқ бўш иш ўринлари таклиф этилди. Иштирокчиларга кўргазмали воситалар ёрдамида мавжуд иш ўринлари, талаб ва таклифлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шу куни 140 дан ортиқ ёшлар ишга жойлашиш учун йўлланма олди.**

Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч

# Аҳдидан қайтмаётганлар

**Бугун Оққўрғон туманида фаолият кўрсатаётган 10 та балиқчилик фермер хўжалиги аҳоли дастурхонига кунига 50 тоннага яқин балиқ гўшти етказиб бермоқда**

Зиёдулла МЎМИНОВ,
«XXI ASR»





... Шарофат опанинг фикрини туман ҳокими ҳам ўзгартира олмади. «Барибир аҳдимдан қайтмайман, кўлда балиқчиликни йўлга қўяман, дедимми, қўяман!» деб шахд билан қабулхонадан чиқиб кетди. Уйга боргунча катта ўғли Абдуваҳобга бир оғиз гапирмади ҳам. «Тинчликми, она, сал бундай чиройингизни очсангизчи. Ўша ташландиқ, қамиш босган кўлни деб ич-этингизни еб юраверасизми», деганида эса баттар тутақиб кетди.

— Сен айтган ўша қамиш босган кўлда балиқ етиштирмагунча сенларга ҳам тиним бермайман. Худога шукр, ҳали куч-қувватим бор. Қолаверса, кўл балиқчиликни ривожлантириш учун жуда қулай жой. Меҳнатига чидасак, янги иш ўринлари яратилади, қишлоғимиз обод бўлади. Шуларни айтсам, ҳоким тушунишни истамаяпти. «Энди ёш эмассиз, невараларни опичлаб юравермайсизми», дейди. Бироз дилим оғриди. «Йўқ, дедим, невараларимнинг ўз оёғи бор. Бугун фермерлик ҳаракати йўлида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Кўлни менга хатлаб берасиз, вассалом. Нари борса 2-3 йилда ҳаммаси изига тушиб кетади. Мана, кўрасиз!»

**ТЎҒРИ, ДАСТЛАБ ОСОН БЎЛМАДИ. 18,5 ГЕКТАРЛИ КЎЛ ҲУДУДИ ҚАМИШ ВА ЎТ-ЎЛАНЛАРДАН ТОЗАЛАНДИ. ТОШКЕНТДАН МУТАХАССИС ЧАҚИРИЛИБ, УНДАН БАЛИҚЧИЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БЎЙИЧА ТЕГИШЛИ МАСЛАҲАТЛАР ОЛИНДИ. ҚЎШНИ ТУМАНЛАРДАН КЎЛГА СОҒЛОМ БАЛИҚ ЧАВАҚЛАРИ КЕЛТИРИЛДИ**

Шарофат Соибназарованинг балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини йўлга қўйиш учун мутасадди идоралар остоналарида сарсон-саргардон кезган кунлари ҳақиқатан ҳам энди ортда қолди. Бугун кўзланган эзгу ниятлар рўёбга чиқмоқда. Тўғри, дастлаб осон бўлмади. 18,5 гектарли кўл ҳудуди қамиш ва ўт-ўланлардан тозаланди. Тошкентдан мутахассис чақирилиб, ундан балиқчиликни йўлга қўйиш бўйича тегишли маслаҳатлар олинди. Қўшни туманлардан кўлга соғлом балиқ чавақлари келтирилди. Шу тариқа Оққўрғон туманида балиқчиликка ихтисослашган «Асадбек-Сарвиноз» фермер хўжалигига асос солинди.

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деганлари рост экан. Меҳнат ва изланишларимиз бугун ўз самарасини бермоқда. Шу ҳақда ўйласам, толиққан кунларим ёдимдан чиқиб кетади, — дейди Шарофат опа. — Зеро, инсон иродаси ҳамма нарсага қодир. Ҳозир бизда балиқларнинг маҳаллий шароитга мос "Дўнг пешона", "Оқ амур" каби турлари парваришланмоқда. Балиқчилик — бебаҳо бойлигимиз. Мана, икки йилдирки, даромад ола бошладик. Энг асосийси, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди.

**— Балиқчилик «сир»ларидан хабарингиз йўқ экан, саъй-ҳаракатларингиз ва миллионлаб маблағларингиз зое кетишидан чўчимадингизми?**

— Чўчидим. Аммо одам қилган ишни одам қилар экан. Яна бир томони — мамлакатимизда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати учун кенг йўл очилгани менга катта далда бўлди. Айни кунгача кўлнинг 16 гектарини қамиш-қиёқлардан бутунлай тозаладик. Тушган даромаднинг бир қисми қишлоқ ободончилиги, камхарж оилаларнинг эҳтиёжи учун сарфланмоқда. Бу ишларни кимгадир яхши кўриниш ёки обрў орттириш учун қилаётганимиз йўқ, албатта. Савоб ҳам керакку. Қаранг, кўл туфайли қанча одамнинг қозони қайнаяпти бугун. Бир қишлоқ, бир маҳаллада яшаб туриб, одамларнинг қувончу ташвишларига бефарқ бўлиш мумкинми?

**— Демак, энди "Асадбек Сарвиноз"да етиштирилган парҳезбоп балиқ гўшти дастурхонларга барака киритар экан-да?**

— Албатта. Меҳнаткаш халқимизнинг дастурхони тўкин, серфайз бўлиши лозим. Президентимизнинг бу ҳақда куюнчаклик билан айтган гапларини эшитсам, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Мулкдор бўламан, деганнинг йўлини бугун ҳеч ким тўсаётгани йўқ. Аксинча, улар учун келажак эшиклари тобора кенгроқ очилаяпти. Бу Юртбошимиз етакчилигида амалга оширилаётган ишларнинг бир қисмигина, холос, мен сизга айтсам.

Фермер билан гурунгимиз яна анча давом этди. Маълум бўлишича, айни кунда биргина Оққўрғон туманининг ўзида балиқчиликка ихтисослашган 10 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган экан. Шу ҳисобдан ҳар куни вилоят ҳамда пойтахт аҳолиси дастурхонига 50 тоннага яқин балиқ ва балиқ маҳсулотлари тортиқ этилаётгани ортиқча таърифу тавсифга муҳтож бўлмаса керак. Бугун дунё тан олган юртимиз тобора ободонлашиб бормоқда. Бу, шубҳасиз, Шарофат Сойибназарова сингари минг-минглаб фидойи, тиниб-тинчимас инсонларнинг шарофатли меҳнати натижаси ҳамдир.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!
ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Г уй.
Тел.: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

# «ФАРҒОНАПАХТАСАНОАТ»

## ҳудудий бирлашмаси тизимидаги

## ТОШЛОҚ, РИШТОН, ҚЎҚОН, ЎЗБЕКИСТОН, БАҒДОД, БЕШАРИҚ ва ҚУВА ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ ЖАМОАЛАРИ

барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
20 йиллиги билан
қизғин табриклайдилар.










НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
«ПАХТАСАНОАТ»
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ
қадрли ватандошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
миллий байрами —
Истиқлолнинг
20 йиллиги ҳамда
муборак Рамазон ҳайити
билан самимий қутлайди.

# Энг тўғри йўл

**Дунё аҳолисининг муттасил кўпайиши озиқ-овқат, ёнилғи ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжнинг ошишига, бу эса ўз навбатида, ўрмон ҳудудларининг қисқариши, тупроқ тузилмасининг бузилиши, атмосферанинг юқори қисмида жойлашган озон қатламининг емирилиши ва албатта, ҳаво ҳароратининг исишига олиб келаётир**

**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**

Айниқса, ривожланаётган давлатларда глобал молиявий инқироз оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб бораётгани ердан янада унумли фойдаланиш ва фермерлик ҳаракатига алоҳида эътибор қаратишни талаб этаётир. Айниқса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш энг долзарб масалалардандир. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ер ресурсларига нисбатан инсон омилининг салбий таъсири оқибатида улкан майдонларда чўлланиш, тупроқларнинг эса эрозия, шўрланиш даражаси кескин ошди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар айни пайтда бутун бир сайёранинг оғир муаммосига айланган. ЮНЕСКО маълумотларида ҳам сайёрамизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг 6-7 миллион гектари деградацияга учрагани таъкидланади. Собиқ Иттифоқ даврида йўл қўйилган хатолар, ерга нисбатан ўгай муносабат мамлакатимизда ҳам худди ана шундай муаммоларни келтириб чиқарган эди.

Ер илмининг етакчи мутахассислари ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун, энг аввало, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун фан ютуқлари ва илғор технологияларни жорий этиш, ерлар унумдорлигини ошириш ва соғломлаштириш учун тупроқнинг органик моддаларга бўлган талабини қондириш, фермерлар учун давлат субсидияларини ошириш, кам маблағ ва ишчи кучи сарфлаб, мўл ҳосил олиш усулларини қидириб топиш лозимлигини таъкидламоқдалар.

Маълумки, дунёда фермерлик ҳаракатининг ўзига хос узоқ тарихи бор. Масалан, Америкада фермерлик тизимига асос солинганига 180 йил тўлди. Калифорния штати пахта ҳосили етиштириш ва меҳнат унумдорлиги бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Бу ерда 300 минг гектар ердан гектаридан ўртача 45-46 центнердан ҳосил олинади. Бундан ташқари, Америка паррандачилик маҳсулотларини етиштиришда ҳам энг юқори ўринда. Океанорти мамлакати фермерларининг дунё иқтисодиётида алоҳида ўрин тутишлари бежиз эмас, албатта. Сайёрамизда етиштирилаётган дуккаклилар, соя ва макканинг ярми, пахта, ғалла ва тамакининг 10 фоиздан 25 фоизгача бўлган қисми ҳам айнан улар ҳиссасига тўғри келади. Мухтасар қилиб айтганда, Америка иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги барча кўрсаткичлари бўйича йирик бизнес ҳисобланади. Тармоқ ўта йириклиги боис унга «Агробизнес» атамаси (номи) берилган.

«Агробизнес» фермерлар кооперативлари, қишлоқ банклари, соҳага хизмат кўрсатувчи транспорт корхоналари, истеъмол моллари савдоси билан шуғулланувчи фирмалар, соҳага тегишли асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи, маҳсулотларни қайта ишловчи саноат корхоналари, озиқ-овқат дўконлари ва бошқа тизимлардан иборат. Мамлакат экин майдонларининг учдан бир қисмида Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкасининг бир қатор давлатларига сотиш учун маҳсулот етиштирилади. Улар таннархининг арзонлиги эса нафақат америкаликлар, балки чет эл истеъмолчилари учун ҳам фойдалидир.

Бугун АҚШ аграр секторида 300 миллионли аҳолининг бор-йўғи уч фоизи банд, холос. Яъни, 25-30 миллион киши бутун мамлакатни арзон маҳсулот билан таъминламоқда.

АҚШ аҳолини рўйхатга олиш Бюроси маълумотларига қараганда, фермерларнинг атиги 9 фоизи ерни ижарага олиб ишлатса, 90 фоиздан кўпроғи ерга тўла ёки қисман эгалик қилади. Чинакам мулкдор ва ўз меҳнати самараларидан манфаатдор бўлган деҳқонлар бозорга мўл-кўл ва арзон маҳсулотлар етказиб бераяпти.



Давлат солиқ тизими мамлакат фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. 1988 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги даромадидан олинадиган солиқ ставкаси фермер хўжалигининг катта-кичиклигига қараб 15 ва 28 фоиз (олдин 11 фоиздан 50 фоизгача бўлган) атрофида белгиланган. Даромади 50000 доллардан ошмайдиган фермер 15 фоиз, 75 минг доллардан кўп натижага эришганлар 28 фоиздан солиқ тўлайдилар.

Давлат ёки минтақавий аграр лойиҳачиларини қизиқтирган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этган фермер эса имтиёзли солиқ тартибидан фойдаланади. Тараққиётга иқтисодий ёрдам кўрсатиш ташкилоти (OEAD) нинг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, яқин йиллар мобайнида АҚШ фермерлари давлатдан камида 22 миллиард доллар кўмак олганлар. Давлат уларни субсидия билан таъминлар экан, ўз навбатида, нарх-навони ҳам бирдек ушлаб туришга ҳаракат қилади. Яъни, Федерал ҳукумат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилари ва истеъмолчилари ўртасида арбитр вазифасини ўтайди.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда Хитой дунёда биринчи ўринда туради. Аммо ушбу мамлакатда мавжуд 329 миллион гектар ернинг фақат 224 миллион гектаридан фойдаланилади, холос. Умумий ҳайдаладиган ер майдони эса 110 миллион гектар бўлиб, дунёдаги маданийлаштирилган ерларнинг 7 фоизини ташкил этади. Хитой таснифлаш тизимига кўра, ер фондининг 21 фоизигина юқори унумдор ҳисобланади. Аграр соҳада банд аҳоли сони эса жаҳон иқтисодиётида фаолият юритаётган фермерларнинг 40 фоизини ташкил этади. Яъни, 313 миллион киши оиласи билан доимий банд бўлса, мавсумий ишларга 850 миллион нафар фуқаро жалб этилади. Бу кўрсаткич Россия, Япония, Англия, Франция, Германия, Италия ва Мексикани қўшиб ҳисоблаганда ҳам 6 баробар кўпдир. Бугунги кунда Хитой пиёз, имбир ва саримсоқпиёз етиштириш бўйича ҳам дунёда биринчи ўринга чиқиб олди.

2006 йилда дунё миқёсида 600 минг гектарга пиёз, 500 минг гектарга имбир ва 1,2 миллион гектарга саримсоқпиёз экилган бўлса, бу кўрсаткич Хитойда мутаносиб равишда 540 минг, 240 минг ва 770 минг гектарни ташкил этган. Financial Times газетасининг хабар беришича, Хитой айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакат ташқарисидан деҳқончиликка яроқли ерларни сотиб олишни мўлжалламоқда.

Хитой компаниялари, биринчи навбатда, Африка ва Лотин Америкасидаги унумдор ерларни мўлжалламоқдалар. Албатта, бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат банклари ва инвестиция фондлари томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилади.

Financial Times газетаси таҳлилига кўра, Хитой миллий қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини тўлиқ таъминлай олмайди. Шунинг учун режалаштирилаётган мамлакатлардан қўшимча ер сотиб олиш билан бирга улардан фойдаланувчи фермерлар ҳам ушбу мамлакатларга юборилади.

Таъкидлаш жоизки, Хитой шоли етиштиришда ҳам (290,2 млн. тонна ёки 31,8 фоиз) биринчи ўринда туради. Дунёнинг 115 дан зиёд мамлакатида 155 миллион гектарга яқин майдонда гуруч етиштирилади ва у қарийб 3 миллиард кишининг асосий озиқ-овқат манбаи. Бу — 600 миллион тоннани ташкил этиб, дунё бўйича киши бошига, тахминан, 100 килограммдан тўғри келади.

Ялпи шоли етиштириш бўйича жаҳонда Ҳиндистон (134,2 млн. тонна ёки 22,4 фоиз) иккинчи, Индонезия (51 млн. тонна ёки 8,5 фоиз) учинчи ўринда туради.

Бундан эллик йил муқаддам Исроилда барча озиқ-овқат маҳсулотлари карточка системасида тарқатилгани, аксарият маҳсулотлар гуманитар ёрдам сифатида бошқа мамлакатлардан олиб келингани ҳеч кимга сир эмас. Бироқ қишлоқ хўжалигига юқори технологияларнинг ҳамда сувни четдан импорт қиладиган мамлакатда томчилаб суғориш усулининг жорий этилиши, фермерларга кўрсатилган ёрдам ниҳоят ўз самарасини берди. Бугун Исроил озиқ-овқат билан ўзини тўла таъминлабгина қолмай, ҳар йили қарийб ярим миллиард доллар ҳажмдаги деҳқончилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Мамлакатда деҳқончиликка яроқли ерлар жуда кам бўлгани ҳолда сув ундан ҳам кам. Бу эса аграр соҳада энг илғор технологияларни қўллаш, ердан, сувдан унумли фойдаланиш заруриятини туғдиради. Ана шу имкониятлар ишга солиниши туфайли айниқса гул етиштириш тармоғи ривожлантирилмоқда. Бир неча йиллар аввал Исроилда 2 минг гектар майдонда 1,4 млрд. дона гул етиштирилгани бунинг яққол мисолидир.

Бугунги кунда фермерлик энг кўп самара келтираётган мамлакатлардан бири Янги Зеландиядир. Европа Иттифоқи стандартларига жавоб берадиган бу тизимда камида 2 фоиз иш кучи сарфлангани ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60 фоизи етиштирилади. Чорвачилик, боғдорчилик, виночилик ва ўрмончилик маҳсулотлари миллий иқтисодиётнинг асосий устунларидан саналади. Тадқиқотчилик ишланмалари ва замонавий технологиялар Янги Зеландия аграр маҳсулотлари рақобатбардошлилигини ва халқаро майдонда унга бўлган юқори талабни таъминламоқда.

Айтиш жоизки, Янги Зеландия қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланган давлатларнинг кўпчилиги учун ноёб саналади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат томонидан фермер хўжаликларига ҳеч қандай дотация берилмайди. Янги зеландиялик фермерлар халқаро бозорларда давлатдан субсидия оладиган бошқа мамлакатлардаги фермерлар билан мустақил равишда рақобатлашадилар. Шунинг учун ҳукумат халқаро иқтисодий форумларда ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ўтказиладиган йиғинларда қишлоқ хўжалигига давлат ёрдами кўрсатиш тартибини умумлаштириш ёки субсидияларни бекор қилиш таклифларини илгари суриб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади соҳада мулкдорлар синфини шакллантириш орқали рақобат муҳитини юзага келтиришдир. Айни пайтда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизи фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келаётгани эса тўғри танланган иқтисодий сиёсат ниҳоятда қисқа фурсатда ўз самарасини берганини кўрсатаяпти.

Жаҳон қишлоқ хўжалигини юритишнинг энг илғор тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, фермерларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётгани боис ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.




**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**
**«ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ**
**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Аукцион савдосига ДАТ «Асакабанк» Андижон вилоят филиалининг 2011 йил 29 августдаги №145/4-сонли буйруғига ҳамда ДАТ «Асакабанк» Андижон вилоят филиали бошқарувчисининг 2011 йил 29 августдаги №11/2271-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти Андижон шаҳар Миллий тикланиш кўчаси 41-уй манзилида жойлашган ДАТ «Асакабанк» Андижон вилоят филиалига қарашли 2003 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли давлат белгиси **60570 ВАА** автотранспорт воситаси **7825000 (Етти миллион саккиз юз йигирма беш минг) сўм** бошланғич баҳода қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2011 йил 11 октябрь куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йил 13, 14, 15 октябрь кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорида гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг **20208000904456131001** ҳисоб рақамига **МФО:00074, ИНН: 205987298** тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00 га қадар Андижон шаҳар А.Навоий кўчаси 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.
Савдода қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

**Қўшимча маълумот учун манзилимиз:**
Андижон шаҳар А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 215-хона
Тел: 8(374) 606-88-81, 269-88-81, 700-88-81
Гувоҳнома №00126






# «ШЎРТАННЕФТГАЗ»

## унитар шўъба корхонаси жамоаси

*мамлакатимиз аҳли*

*ва соҳа вакилларини*

# *Мустақилликнинг 20 йиллиги*

*ҳамда ўтган Ийд-рамазон*

*билан муборакбод этади.*














XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА.

БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 2652. Тираж: 9 772
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, Ш.РАҲИМОВ.